



ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ХУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2019 йил 29 январь

сешанба № 3 (1155)

e-mail: insonvaqonun@adliya.uz

www.insonvaqonun.uz

t.me/ivquz

fb.com/ivquz/

КОРРУПЦИЯ — ТАРАҚҚИЁТ КУШАНДАСИ



Тухфа, ҳадя, тўёна деган ёрқин сўзлар ичига қоп-қора порани тиқиб, туғилган кун, тўй, юбилейлар баҳонасида ишимизни битириш илинжида ялтоқлик кўчасига кириб чиқаётганлар ҳам бор. Поранинг илдизини ҳар ким ўзининг ичидан, ахлоқидан изласа яхши бўлади. Коррупция жимжимадор, ваҳимали жаранглайди, лекин жамиятни чиритади, иритади, қуритади.

(Тахририят почтасидан)

САҲИФАЛАРДА:

“Мурожаат ҳал қилин- маса бизни, адлияни ҳеч ким танимайди”

... келиб тушаётган ҳар бир мурожаат бир инсон муаммоси билан боғлиқ эмас, балки унинг ортида ўнлаб, ҳатто юзлаб одамлар тақдири турибди.

3-БЕТ ▶

Нотариат соҳасида Экспертлик комиссияси ташкил қилинди

Экспертлик комиссияси жамоатчилик асосида фаолият кўрсатувчи 7 нафар аъзодан иборат.

4-БЕТ ▶

“Хўроз”... дан ҳам пора олди

Хуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари ҳамкорлигида ўтказилган тезкор тадбир натижасида ашёвий далиллар билан А.Тўрабековнинг жиноий фаолиятига чек қўйилди.

5-БЕТ ▶

Тубанлик ботқоғига ботиб...

...Сал қолса, Алибой билан Норматнинг қилмишига Икром ҳам шерик бўлиб қоларди. Шум ниятли кимсалар қилмишларига яраша жиноий жавобгарликка тортилди.

5-БЕТ ▶



Инвесторлар билан шахсан учрашувлар ўтказилади

ДАВЛАТ дастурига мувофиқ энди мамлакатимизда инвесторлар фаолиятига тўққинлик қилаётган муаммоларни тезкор ва самарали ҳал этишни таъминлаш мақсадида инвесторлар билан шахсан учрашувлар ўтказиш амалиёти йўлга қўйилди. Шунингдек, жамият ва давлат ҳаётини ҳар жиҳатдан ислоҳ қилиш, мамлакатда инвестиция муҳитини яхшилаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Эксперт кенгаши ташкил этилади. Инвестиция жалб этиш учун устувор йўналишларни назарда tutувчи Ўзбекистон Республикасининг ўрта му-

датли истиқболдаги инвестиция сиёсати стратегияси ишлаб чиқилади. Республикаимиз иқтисодиётининг ишлаб чиқариш салоҳиятини кенгайтириш, шунингдек, унинг рақобатбардошлигини янада оширишга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва инновацион технологияларни кўпроқ жалб этиш мақсадида эълон қилинган капитали 1 миллиард АҚШ доллари миқдорига бўлган Ўзбекистон Республикасининг тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармаси ташкил этилади.

Хуқуқшунос бўлишни истаганлар учун сиртки бўлим очилади

Давлат дастурига мувофиқ 2019 йил 1 апрелга қадар олий юридик таълим му-

ассасаларида сиртки бўлимларга талабаларни қабул қилиш ва мақсадли тайёрлаш тизимини жорий этиш назарда тутилган. Сиртки бўлимларга суд ва хуқуқни муҳофаза қилувчи органларда узоқ муддат давомида (5 йил ва ундан ортиқ) бенефсон фаолият кўрсатиб келаётган, ўрта ва ўрта-максус маълумотли ёки бошқа мутахассислик бўйича олий маълумотга эга ходимлар кейинчалик мазкур органда камида 5 йил ишлаб бериш шarti билан имтиёзли равишда шартнома асосида қабул қилинади. Бу бўйича Президент қарори лойиҳаси ишлаб чиқилади.

"Хуфёна иқтисодиёт" бўйича ишонч телефонлари ташкил қилинади

Давлат дастурига асосан "Хуфёна иқтисодиёт" салмоғини иқтисодий усуллари ишлатган ҳолда қисқартириш режалаштирилмоқда.

2019 йил 1 июнга қадар ишлаб чиқилган тегилши кунун ҳужжатда нақд пулсиз ҳисоб-китоби рағбатлантириш механизминини ишлаб чиқиш, шу жумладан, жисмоний шахслар ўртасида кўчмас мулк объектлари ва автотранспорт воситалари олди-сотдиси бўйича ҳисоб-китобларни банк орқали амалга ошириш тизимини ривожлантириш, "Хуфёна иқтисодиёт" бўйича ишонч телефонларини ташкил қилиш ва мазкур соҳада тасдиқланган хабарни берган шахсларни рағбатлантириш ҳамда бошқа шу каби механизмлар назарда тутилади.

"Huquqiy axborot" телеграм канали материалларидан фойдаланилди

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси ўзгарди



2019 ЙИЛ 18 январда "Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасига ўзгартириш кiritиш ҳақида"ги Қарор қабул қилинди. Ушбу ҳужжат Президентимизнинг 2018 йил 13 октябрдаги "Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш, аҳолининг иқтисодий заиф қатламларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳамда меҳнатига кам ҳақ

тўланадиган ходимлар иш ҳақи миқдорини жадал равишда ошириш мақсадларини кўзда тутди.

Ҳозирги кунгача қонунчилигимизда амалда бўлган Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасининг "Тариф коэффициентлари" устунидаги "2,476", "2,725", "2,998" рақамлар "2,847", "2,997", "3,148" рақамлари билан алмаштирилди. Энди ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашда Ягона тариф сеткасининг оширилган тариф коэффициентлари бўйича иш ҳақи белгиланади.

"Huquqiy axborot" телеграм каналининг хабар беришича, киритилган қўшимчалар шунингдек, ходимларга тўланадиган иш ҳақининг энг кам миқдори 501 минг 959 сўмдан 577 минг 172 сўмга оширилди. Эндилдида Ўзбекистонда 577 минг 172 сўмдан кам ойлик иш ҳақи тўланиши мумкин эмас.

Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ташкил этилди

2019 йил 24 январда Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарори имзоланди. Ушбу агентлик эндилдида қимматли қозғалар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи, шу билан бирга фонд биржалари фаолиятини ва қимматли қозғалар бозорини профессионал фаолиятни лицензияловчи орган ҳисобланади. Қарор билан тугатилган Қимматли қозғалар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш марказининг қимматли қозғалар бозорини, шу жумладан, қимматли қозғалар савдосини ташкил этиувчиларни ва Қимматли қозғалар марказий депозитарийсини тартибга солиш, шунингдек, корпоратив бошқарувни ривожлантириш борасидаги барча хуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича хуқуқлари янги ташкил этилган агентликка ўтди. Агентлик ҳузурида юридик шахс ташкил этилган ҳолда бюджетдан ташқари Капитал бозорини ривожлантиришга кўмаклашиш жамғармаси ташкил этилади.

Авалрок, Президент Қарори ва Фармонига биноан Давлат рақобат қўмитаси негизда Давлат активларини бошқариш агентлиги ташкил этилган эди. Мамлакатда иқтисодий ўсишни таъминлаш, хусусийлаштириш жараёнларини бошқариш, давлат иштирокидаги корхоналар инвестициявий салоҳиятини кўтариш, фаолият кўрсатаётган корхоналар ва бўш ётган объектларда ишлаб чиқариш фаолиятини тиклашда рақобатбардошликни ошириш, бир сўз билан айтганда, иқтисодиётни тубдан модернизация қилиш мақсадида олдинги қўмиталар ўрнига янги агентликлар ташкил этилмоқда.

"Инсон ва қонун" муҳбири Мадҳия АВАЗОВА тайёрлади.

Монополияга қарши курашиш қўмитаси ташкил этилди

Президентимизнинг 2019 йил 24 январда "Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди.

Қарор мувофиқ Монополияга қарши курашиш қўмитаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг монополияга қарши курашиш тартибга солиш, товар-хонашар биржаларини лицензиялаш борасидаги барча хуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича хуқуқий вояси ҳисобланади.

2019 йил 1 июлдан ҳўжалик юритувчи субъектларнинг бирлашуви ва қўшиб олиниши бўйича битимлар, шунингдек, акцияларни сотиб олиш бўйича битимларга розилик бериш учун энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдорига йиғим ундирилади. Энди мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча ташкилотларда Монополияга қарши курашиш қўмитаси ваколатига қирадиган масалалар бўйича текширувлар тадбиркорлик субъект-



ларининг фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш бўйича ваколатли органи хабардор қилиш тартибда амалга оширилади ҳамда Текширувларни электрон шаклда рўйхатга олиш ягона тизимда рўйхатга олинади. Қарор билан бюджетдан ташқари Рақобатни ривожлантиришга кўмаклашиш жамғармаси ташкил этилди.

Шу билан бирга эндилдида истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида ягона давлат органи сифатида Истеъмолчилар хуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги ташкил этилади.

ХОРИЖГА ЧИҚИШ УЧУН ҚАНДАЙ ПАСПОРТ КЕРАК? БИЛАСИЗМИ?

Президентимизнинг 2017 йил 16 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижга чиқиш тартибини такомиллаштиришга доир муҳим чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига кўра, 2019 йилнинг 1 январидан хорижга чиқиш учун рухсат ёзуви стикерини расмийлаштириш тартиби бекор қилинди. Шу санадан бошлаб Ўзбекистон фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспорти (хорижий паспорт) жорий этилди.

Бунда 2021 йилнинг 1 январига қадар кириш визаларини расмийлаштириш талаб этилмайдиган давлатлар ҳудудига амалда қўлланилган 2011 йилги намунадаги биометрик паспортдан фойдаланган ҳолда чиқишга рухсат этилади.

Амалдаги биометрик паспорт ўз кучида қолади. Фақат чет элга чиқмоқчи бўлган фуқароларга янги жорий этилган фуқаролик паспорти берилди. Унинг афзаллиги ўзида электрон маълумотларни сақлайди ва бошқа ортиқча ҳужжатларни талаб қилмайди. Чет элга чиқиш кетаётганда иккала паспорт ҳам шахсининг ўзида сақланади. Хорижда ўқиш, иш юзасидан юрган юртдошларимизнинг паспортларидаги стикернинг мuddати ўтган бўлса, улар Ўзбекистонга келиб, хорижга чиқиш паспортини расмийлаштиришлари мумкин. Виза талаб қилинадиган мамлакатларга чиқиш кетиш учун айна чоғда фуқаронинг паспортда рухсат ёзуви қайд этилган икки йиллик стикерининг мuddати ўтмаган бўлса, у ана шу мuddат якунига қадар хорижга чиқиш хуқуқига эга.

Хорижга чиқиш учун биометрик паспорт фуқароларга, тугилган кунидан бошлаб бир ёшгача — икки йил мuddатга, бир ёшдан 16 ёшгача — 5 йил мuddатга, 16 ёшдан ошган шахсларга — 10 йил мuddатга расмийлаштирилади.

Хорижга чиқиш учун биометрик паспорт йўқолганда, хорижга чиқиш учун биометрик паспорт ашёвий далил сифатида олиб қўйилган ҳолатларда расмийлаштириб берилди.

Хорижга чиқиш учун биометрик паспортни расмийлаштириш чоғида фуқаролар томонидан ҳудудий миграция ва фуқароликни расмийлаштириш хизмати маълумотларни йиғиш пунктига қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- белгиланган шаклдаги ариза-анкета;
- биометрик паспорт ёки 16 ёшга тўлмаган фуқаролар учун тугилганлик тўғрисидаги гувоҳнома;
- илгари берилган хорижга чиқиш учун биометрик паспорт (бўлган тақдирда);
- ваколатли органининг қарори (хорижга чиқиш учун биометрик паспорт ашёвий далил сифатида олиб қўйилганда);
- ҳарбий гувоҳноманинг ёки бириктирилш гувоҳномасининг кўчирма нусخаси ёхуд мудофая ишлари бўйича бўлимининг маълумотномаси — ҳарбий хизматга мажбурлар учун;
- давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги патта;

— фуқаронинг хорижга чиқишига ота-оналар, васийларнинг нотариал тасдиқланган розилиги — вояга етмаганлар учун;

— фуқарога ҳамроҳлик қилувчи шахсининг нотариал тасдиқланган мажбурияти — вояга етмаганлар учун.

15 ёшдан 18 ёшгача бўлган фуқаролар ота-оналар, васийларнинг вояга етмаган шахс мустақил равишда хорижга чиқишга нотариал тасдиқланган розилиги бўлган тақдирда хорижга қузатувчисиз чиқиши мумкин.

Алишер ҲОЖИЕВ,
Навоий вилоят ИИБ
Миграция ва фуқароликни
расмийлаштириш бошқармаси
бошлиги, подполковник

БОКУВЧИСИНИ ЙЎҚОТГАН АЁЛГА ТЎЛОВЛАРДА ЧЕГИРМА ҚЎЛЛАНИЛДИ

ТЕРМИЗ туман "Янги ҳаёт" маҳалласида яшовчи фуқаро Г.Султонова ўзи яшаб турган уй-жойи марҳум турмуш ўртоғи Б.Абдуназаровнинг номида бўлганлиги ва ҳозирги кунда боқувчисини йўқотганлиги ва ушбу уй-жой мерос ҳуқуқи асосида номига расмийлаштирилган бўлса-да, туман кадастр бўлими томонидан тўловларда чегирмалар қўлланилмаётганидан норози бўлиб адлия бўлимига мурожаат этди.


Мурожаат адлия бўлими томонидан назоратга олиниб, тегишли мутахассислар иштирокида ўрганиб чиқилди. Ўрганиш давомида Г.Султоновага тегишли уй-жойнинг кадастр йиғма жилдини шакллантириш учун 585 минг сўм миқдоридagi тўловни амалга оширгандан сўнг, ушбу уй-жой учун кадастр йиғма жилди шакллантирилиши ҳақида кадастр ходимлари томонидан фуқарога тушунтирилганлиги аниқланди.

Бироқ туман адлия бўлимининг аралашуви билан Г.Султонова боқувчисини йўқотганлиги ва кам таъминланган оила эканлиги инobatта олинган ҳолда тўловларда чегирмалар қилиниб, фуқаро томонидан жами 202 минг сўм миқдоридagi тўлов амалга оширилгач, уй-жойи учун кадастр ҳужжатлари тўлиқ тайёрлаб берилди.

Алибек ТЕМИРОВ,
Термиз туман адлия бўлими
етақчи маслаҳатчиси

"МУРОЖААТ ҲАЛ ҚИЛИНМАСА БИЗНИ, АДЛИЯНИ ҲЕЧ КИМ ТАНИМАЙДИ"

АДЛИЯ ВАЗИРИ 2018 йил якунига бағишланган Ҳайъат мажлисида тизим ходимларига қатъий талаб қўйди: "Халқ билан бўладиган мулоқотларда юзакиликка йўл қўйманг. Сиздан ёрдам, қўмак истаб келаяётган оддий одамларга ёрдам беринглар. Мурожаатлар ҳал қилинмаса, бизни, адлияни ҳеч ким танимайди".



Илҳом болалик чоғидан кино ва санъат соҳасига қизиқди. Шу боис 2007 йил Самарқанд Санъат коллежига ҳужжат топшириб, у ерда ўқиши баробарида келажакда қайси соҳа эгаси бўлишини янада аниқ белгилаб олди. Ўша болалик орзуларини амалга ошириш мақсадида 2011 йил Ўзбекистон Давлат Санъат ва маданият институтида ўқишни давом эттириб, 2015 йили "кино ва радио режиссёри" бўлимини муваффақиятли тугатди.

Айни пайтда Самарқанд Санъат коллежидида ўқитувчи ҳамда А.П.Чехов номидаги Рус драма театрида постановкачи режиссёр сифатида ишлаб келмоқда. Бироқ инсон учун ҳаётда бошлана жуда зарур. Илҳом 2007 йилдан буён уй-жойи бўлмаганлиги туйғайли ижарама-ижара яшаб, уй эгасининг таъна-дашномларию, топгани ижара пулидан ортамаътанидан қийналаётганди.

Ниҳоят, унинг овозгарчилигига чек қўйилди. И.Бўриев уй-жой масаласида 7 йил юргурганлиги эътиборга олинаб, 2018 йил Самарқанд шаҳар ҳокимининг қарори билан унга кам таъминланган фуқаролар учун қурилаётган кўп қаватли уйлardan 2 хонали квартира ажратиб берилди. Бироқ энди орзулари ушалиб, бошига бошлана битганида уйнинг бошланғич бадал суммасини тополмай яна идорама-идора ашиқ қоқиб, сарсон бўлди. Бир мuddат сарсонгарчиликдан сўнг у адлия бўлимига мурожаат қилишга қарор қилди.

И.Бўриевнинг аризаси Самарқанд шаҳар адлия бўлими томонидан назоратга олинди.

Ушбу мурожаат Самарқанд шаҳар адлия бўлими томонидан ўрганилганда ҳақиқатан И.Бўриев 2007 йилдан бошлаб уй-жойи бўлмаганлиги сабабли ижара

уйда яшаб келаяётганлиги аниқланди. Шунингдек, шаҳар ҳокимининг қарори билан унга 2 хонали квартира ажратиб берилгандан сўнг, ушбу ажратилган квартиранинг бошланғич бадал суммасини топа олмай, кўплаб идораларда сарсон бўлганлиги маълум бўлди.

Самарқанд шаҳар адлия бўлими фуқаро И.Бўриевга ажратилган уй-жойнинг бошланғич бадал суммасини тўлаб бериш масаласида амалий ёрдам кўрсатиш тўғрисида "Сиёб Шавкат Орзу" фермер хўжалиги раҳбари Б.Маъруповга қилган мурожаати ижобий кўриб чиқилди.

Мазкур мурожаат асосида фермер хўжалиги томонидан И.Бўриевнинг уй-жойи учун бошланғич бадал суммаси сифатида 20 миллион сўм маблағ ўтказилиб, фуқаронинг муаммоси ижобий ҳал этилди.

Шу ўринда айтиш лозимки, келиб тўшаётган ҳар бир мурожаат бир инсон муаммоси билан боғлиқ эмас, балки унинг ортида ўнлаб одамлар тақдирини тўрибди. Шундай экан, асосий эътиборни одамларнинг оғирини енгил қилиш, ҳар бир мурожаатни жиддий ёндашув асосида ўрганиш, улар билан ишлашда маъсулиятни ҳис этиш лозим. Шундагина фуқароларнинг давлат ҳокимияти, жамият, эртанги кунга ишончи ортади.

Гулсум ШОДИЕВА,
"Инсон ва қонун" мухбири

"Йўриқномага тўғри келмайди.

САМАРҚАНДГА ҚАЙТСИН!"

...ТАЛАБАЛИК йилларимда Самарқанд шаҳрида холамнинг уйида яшаганман. Холамнинг фарзанди йўқ. Шу сабаб уларнинг уйида яшашим холамни анча тинчлантирар эди. Йиллар ўтиб турмуш қурганимдан сўнг эса холам ёлғизланиб қолди. Биз Зангиота (ҳозирги Тошкент) туманида яшай бошладик. Йилда бир-икки мартагина холамдан хабар олардим.

Кунларнинг бирида кекса холам бетоб бўлиб қолганини эшитдим. Шунда зудлик билан Самарқандга бориб холамни яшаш манзилидан рўйхатдан чиқардим, ўз уйимга олиб келдим. Унинг ёлғизлигини, ёшини, соғлигини ҳисобга олиб, ҳомийлик масаласида Зангиота туман тиббиёт бирлашмаси "Васийлик ва ҳомийлик" кенгашига ҳамда Зангиота туман ҳокимига мурожаат қилдим. Ҳоким қарори чиқди ва мен холам Ибраимова Гулнорага ҳомий этиб тайинландим.

Ушбу қарор асосида мен холамни ўз манзилимга доимий рўйхатга олишларини сўраб Зангиота тумани ИИБ ва ФРБ бўлимига бордим. Аммо у ерда холамни вақтинча рўйхатга қўйишга ҳам рухсат беришмади. Жавоблари битта: "Йўриқномага тўғри келмайди. Самарқандга қайтсин!".

Холам 88 ёшда, ёлғиз. Йиқилиб жараҳат олганидан сўнг туриб юролмайдиган бўлиб қолган. У кишига гамхўрлик қиладиган ягона яқини менман. Нима қилишга ҳай-

рон эдим. Зангиота (ҳозирги Тошкент) туман ИИБ ва ФРБ бўлимига 2016 йилнинг июнь ойидан 2018 йилнинг сентябрь ойига қадар қайта-қайта мурожаат қилдим, фойдаси бўлмади.

Шундан сўнг Тошкент туман адлия бўлимига бордим. Муаммони тушунтирдим. Адлия бўлими бошлиғи И.Юсупжонов Тошкент туман ИИБ ва ФРБ бўлимига фуқаро Ибраимова Гулнорани меннинг манзилимга доимий рўйхатга қўйиш таклифи билан ёзма равишда мурожаат этди. Таклиф рад этилди.

Ишончим яна сўнди. Бироқ адлия бўлими бошлиғи ишни ташлаб қўймади. 2018 йил ноябрь ойида ушбу масала юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро судига мурожаат этди.

Суд одилона бўлди. Холам меннинг уйимга прописка қилинди.

Мавлуда МАҲМУДОВА,
Тошкент тумани, Юнусобод
маҳалласи

ҚУВА туман халқ таълими бўлими 13 нафар ўқитувчига компенсация тўлади




ҚУВА туманидаги 28-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Д.Каримова мактабдан 5 километр узоқликда яшовчи, ногиронлиги бўлган ўқувчи Мақсудбек Жўраевга дарс бериб келарди. Тегишли вазирликлар томонидан тасдиқланиб, 2013 йил 5 мартда Адлия вазирлигидида 2435-сон билан рўйхатга олинган "Уйда ижтимоий ёрдам хизмати ходимлари ҳамда ногирон болаларни уйда ўқитганлик учун умумтаълим мактабларининг ўқитувчиларига йўл ҳақи компенсацияси тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорда мактабдан ўқитилаётган бир нафар ўқувчи учун ўқитувчига энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизи миқдоридида компенсация тўланиши белгиланган. Аммо туман халқ таълими бўлими Д.Каримовага 2016/2017-ўқув йили учун 599.100 сўм, 2017/2018-ўқув йилида эса 861.200 сўм жами 1.460.300 сўмлик компенсацияни умуман тўламаган. Шу боис ўқитувчи амалий ёрдам сўраб, Кува туман адлия бўлимига мурожаат қилган.

Мазкур мурожаатни ўрганиш жараёнида туман халқ таълими бўлими томонидан 13 нафар ўқитувчига ана шундай компенсация тўланмай келинаётгани аниқланди. Ушбу аниқланган ҳолатлар юзасидан адлия бўлими томонидан фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судига аризалар киритилди. Натижда суд 2018 йил 14 декабрь куни ўқитувчиларга жами 19 миллион 329 минг сўм миқдоридида компенсация ундириш юзасидан суд қарорлари чиқарилди.

Абдулҳаким ЗУЛФИҚОРОВ,
Кува туман адлия бўлими бошлиғи

Фуқаро кредит сўраган Банк эса ишни пайсалга

солган



ЧОРТОҚ туман адлия бўлимига фуқаро Д.Исламова ТИФ "Миллийбанк" Чортоқ туман филиалидан 2018 йил августдан буён қўйчилик фаолияти билан шуғулланиш учун имтиёзли кредит ололмаётганлиги ва ушбу масалада амалий ёрдам беришни сўраб мурожаат қилган.

Мазкур мурожаат туман адлия бўлими томонидан ўрганилгач, ТИФ "Миллийбанк" Чортоқ туман филиалига сўровнома киритилди. Ушбу сўровномага кўра, ТИФ "Миллийбанк" Чортоқ туман филиалининг 2018 йил 23 ноябрдаги маълумотномасига асосан фуқаро Д.Исламовага қўйчилик фаолияти билан шуғулланиш учун 10.450.000 сўм кредит маблағи ажратилиши таъминланди.

Дилшод НЕЪМАТОВ,
Чортоқ туман адлия бўлими бошлиғи

НОТАРИАТ СОҲАСИДА ЭКСПЕРТЛИК КОМИССИЯСИ ТАШКИЛ ҚИЛИНДИ

БУГУНГИ кунда аҳолига кўрсатилаётган нотариал хизматларнинг сифати ва тезкорлигининг паст даражадалиги, нотариал идоралардаги узундан-узун навбатлар, нотариал ҳаракатларни бажаришда амалиётдаги муаммолар, мавжуд бюрократик тўсиқ ва ғовлар аҳолининг ушбу тизимга бўлган ишончини пасайтирмакда.

Шунга кўра, амалиётдаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш ва нотариат тизимини замон талабларига мос келадиган соҳага айлантириш мақсадида Адлия вазирлиги ҳузурида нотариат соҳасида ягона амалиётни шакллантириш бўйича Экспертлик комиссияси ташкил қилинди.

Экспертлик комиссияси жамоатчилик асосида фаолият кўрсатувчи 7 нафар аъзодан иборат бўлиб, унинг таркибига ҳуқуқ соҳасидаги етакчи мутахассис-олимлар, тажрибали нотариуслар ва Адлия вазирлигининг масъул ходимлари киритилди.

Комиссияга нотариал ҳаракатларни амалга оширишда жойлардаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни қонуний ҳал қилиш, соҳада бир хил амалиётни таъминлаш, қонун ҳужжатларидаги ҳуқуқий нуқсонлар, коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларни содир этиш, фуқаролардан ортиқча ҳужжатлар талаб қилишга шарт-шароит яратувчи қоидалар ва нормаларни аниқлаш, уларни бартараф этиш юзасидан қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди.

Бундан ташқари, комиссияга нотариал ҳаракатларни бажариш учун тақдим қилинадиган ҳужжат турларини тубдан қисқартириш, фуқароларнинг ортиқча овозгарчилигининг олдини олиш мақсадида нотариал ҳаракатларни бажариш учун зарур бўлган барча ҳужжатларни электрон тизим орқали олиш ҳамда қонунчиликда нотариал тасдиқлаш мажбурий талаб қилинадиган битим ва ҳужжатларнинг турларини қисқартиришнинг қонуний йўллари излаб топиш вазифалари топширилди.

Экспертлик комиссиясининг ташкил қилиниши келгусида нотариат соҳасида амалиётдаги муаммоларни қонуний ҳал қилиш, бир хилликни таъминлаш йўли билан жисмоний ва юридик шахсларга сифатли ҳуқуқий хизмат кўрсатишда муҳим ўрин тутди.

Адлия вазирлиги
Жамоатчилик билан алоқалар бўлими

Чўпон кўпайса мол ҳаром ўлади

ДОРИХОНА КЎПАЙСА-ЧИ?



БУГУНГИ кунда тиббиёт масканлари билан бир қаторда дорихоналар сони ҳам кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Уларнинг кўпчилиги соғлигимиз кафолати. Лекин улардаги нархлар ҳам шу қадар бир-биридан кескин фарқ қилмоқдаки, бу ҳамёнимиз "кафолати" бўлмоқда. Баъзи шифокорлар беморларига ўзи тавсия қилган дорихонадан дори сотиб олишни таъкидлаши ҳам кўпчиликка яхши аён. Бундай вазиятда шифокор тавсия қилган дорихона ўзига тегишли ёки айнан шу дорихона билан "шартномаси" борлиги туфайли келиб чиқиши мумкин. Лекин биз ҳозир бу мавзудан йироқмиз. Гап дориларнинг нархи ҳақида боради. Дори нархлари ҳар бир дорихонада, ҳатто улгуржи дори пунктларида ҳам тез ўзгариб бораёпти. Биз бу вазиятга ойдинлик киритиш мақсадида Тошкент шаҳридаги бир неча дорихона ва улгуржи дори пунктларида бўлдик.

Келинг, яхшиши вазиятга биргалликда гувоҳ бўлайлик.
Чилонзор туман, Бунёдор кўчасида жойлашган "Таблетка"

номли дорихонага шифокор тавсия қилган дорилар рўйхатини кўтариб кирдим. Бу ер бошқа дорихоналарга қараганда гавжум, чунки одамларда айнан шу ерда дорилар нархи нисбатан арзон, деган тушунча бор экан, бироқ ичкарига киришингиз билан ҳафсалангиз пир бўлиши аниқ. Негаки, дорилар нархи рўйхат асосида ёзиб қўйилмаган ва хариддорнинг "Мана бу дори қанча туради?" деган саволига фақат дори сотадиган фармацевт компьютерга қараб нархини айтиб бериши мумкин. Керакли дориларнинг нархини яхши билган одамга бу ердаги нархлар шахар марказидаги айрим дорихоналардан ҳам сезиларли қиммат эканлиги аён бўлади.

Шу йўсин манзилга яқин бир неча дорихоналарга кириб ўтдим ва дорилар нархини таққосладим. "OXY Med", "Таблетка", "999 три девятки" дорихоналаридан одам организмнинг иммунитетини ошириб, ташқи юқумли касалликларга қарши курашувчанлигини кучайтирадиган "Исмиден" ҳамда кўзнинг кўриш фаолиятига, чар-

чоқларига яхши самара берадиган "Черника" препаратларининг нархини сўрадим. Нарх-наво мана бундай эди:

— "OXY Med" дорихонасида — "Исмиден" 116 минг сўм, "Черника" 78 минг сўм;

— "Таблетка" дорихонасида — "Исмиден" 106 минг сўм, "Черника" 49 минг сўм;

— "999 три девятки" дорихонасида — "Исмиден" 100 минг сўм, "Черника" 38 минг сўм. Сотувчилар бу аҳволга пинагини ҳам бузишмади. Кўриб турганингиздек, дорилар нархининг ҳар хиллиги кишини ўйлантиради.

Ортиқча кийим киймаслигимиз мумкин, ammo саломатлигимиз учун дори сотиб олмаслигимиз мумкин эмас. Баъзи дорихоналарда умуман ўз ишини билмаган, ҳатто соҳадан йироқ бўлган шахслар (бундай бўлиши мумкин эмас) ёки лоқайд бўлган кимсани кўриб, янада "ҳаёжонимиз" ортади. Фикрим тасдиғи сифатида бир ҳолатни айтиб ўтишим мумкин. Шифокор тавсияси билан "Рибамунил" дори воситасини сўраганим, "У қандай дори экан, эшитмаганман?", дея жавоб берганлар ҳам бўлди. Бу кузатувлардан келиб чиқиб, ҳаққоний савол туғилади. Кундан-кунга ўзгариб, қимматлаб бораётган дорилар нархини ким назорат қилади? Дори сотиш учун рухсатнома берилганда қандай критерий жиҳатларга эътибор қаратилади ва уларнинг нархи мунтазам назорат қилинади? Биз бу саволларга мутасадди ташкилотлардан жавоб кутиб қоламиз.

Гулҳаё НУРМЕТОВА
"Инсон ва қонун" муҳбири

АДЛИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ЭШИГИ

СИЗ
УЧУН
ОЧИҚ!



Уй-жойим йўқ

Кадастр бир йилдан бери овора қилаёпти

— МЕН воёга етмаган фарзандим билан ота-онам қарамоғида яшаб келаялман. Уй-жойим йўқ. Шу сабабли арзон уй-жой олишга эҳтиёжимиз бор. Бироқ бу борада кимга мурожаат қилишни билмаялман. Менга ҳуқуқий маслаҳат беринг.

Яшнобод туман адлия бўлимига 2019 йил 23 январда Янгилик кўчаси, 1 пр, 54-хонадонда яшовчи фуқаро Д. Назарованинг қилган мурожаатидан.

Лалми еримни қайтариб ололманми?

Бахмал туман адлия бўлимига жорий йилнинг 8 январь куни туманнинг "Тараққиёт" СИУ ҳудудидаги "Элёр" фермер хўжалиги раҳбари Х.Эшмуродов мурожаат қилган. Мурожаатда ёзилишича, муқаддам мазкур фермер хўжалиги ҳисобиде бўлган жами 5 гектар лалми ер майдони бир пайтлар раҳбарият топшириғига асосан "Кичик саноат зонаси" ташкил этиш учун туман захирасига олинган. Ҳозирги кунга келиб, "Кичик саноат зонаси" манзили бошқа жойга кўчирилганлиги сабабли, фуқаро Х.Эшмуродов ушбу 5 гектарли лалми ер майдонини қайтариб берилишида амалий ёрдам кўрсатишни сўраган.

Шунингдек, Бахмал туман адлия бўлимига жорий йилнинг 15 январь куни Бахмал туман, Усман шаҳарчаси, Ҳ.Олимжон кўчаси, 26-уйда яшовчи фуқаро С.Турсунқулова ҳам мурожаат қилган. Мурожаатда қайд этилишича, фуқаро 2001 йилда умумий овқатланиш биноси сотиб олиб, 2010 йил уни нотураржойга айлантирган. Сўнгра 2012 йили туман ҳокимининг қарори билан уни тураржойга айлантириб, ушбу жойда яшаб келган. 2018 йил январь ойида туман кадастр бўлимига қўшимча бинолари билан қайта кадастр ҳужжатлари қилиб беришни сўраб мурожаат қилган. Бироқ туман кадастр бўлими мурожаатда сўралган ишни бир йилдан буён пайсалга солиб келган. Шу боис фуқаро С.Турсунқулова ўзига тегишли мулкка нисбатан кадастр ҳужжатларини туман кадастр бўлими томонидан расмийлаштирилиб берилмаётганлигидан норози бўлиб, мазкур ҳолат юзасидан ёрдам беришини сўраган.

Юқоридаги ҳолатлар юзасидан адлия бўлими қандай иш тутди. Бу борада газетамизнинг кейинги сонларида танишасиз.

Мурожаатлар асосида "Инсон ва қонун" муҳбири

Гулсум ШОДИЕВА тайёрлади.

ЖУРНАЛНИНГ ЯНГИ СОНИ

Ҳуқуқий қўлланма ва ҳамкорингиз

МАМЛАКАТИМИЗДА ва халқаро майдонда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар, инсон ҳуқуқларини таъминлашга оид ҳуқуқий жараёнларни ёритувчи "Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари" журналининг 2018 йил 4-сонини нашрдан чиқди.

Журналнинг ўзбек ва рус тилидаги саҳифалари Президентимизнинг 2018 йилнинг 22-23 ноябрь кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказилган Инсон ҳуқуқлари бўйича Осие форуми иштирокчиларига йўллаган табриги билан бошланади. Унда таъкидланганидек, "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганнинг 70 йиллиги яқунлари: замонавий таҳдидлар ва реал воқелик" мавзусида ўтказилаётган мазкур анжуманининг долзарблиги ана шу асосий ҳужжатнинг ўрни ва аҳамиятини мустаҳкамлаш борасидаги сазй-ҳаракатларни бирлаштириш зарурати билан белгиланади". Мазкур форумнинг аҳамиятини инобатга олган ҳолда журналдан форум тафсилотларини ёритувчи кўплаб мақолалар ўрин олган.

Жамоатчиликнинг қизгин муҳокама-ларига сабаб бўлган БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Мишель Бачелетнинг "Инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва химоя қилиш: Вена декларациясини ҳамда Ҳаракатлар дастурини ва кейинги ишларни кенг миқёсда амалга ошириш" номли маърузаси журналда ўзбек, рус ва инглиз тилида тақдим этилган.

Шунингдек, "Ўзбекистон Республикаси

Конституциясининг 26 йиллиги" руқни остида Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов, Конституциявий суди раиси ўринбосари, юридик фанлар номзоди А.Ғафуров, социология фанлар доктори Т.Матибаев, тадқиқотчи-докторант М.Ниязимбетов муаллифлигидаги мақолалар, "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганнинг 70 йиллиги" руқнида Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ масъул ходими Ф.Ҳайитбоев, Андижон давлат университети мутахассиси М.Алимова, Навоий давлат институти ўқитувчиси Д.Нуомоновнинг мақолалари муштарийлар эътиборига ҳавола этилган. "Тарих саҳифаларида" руқни остида эса Қарши давлат университети профессори О.Бўриев ва катта ўқитувчи М.Усмонов ҳаммуаллифлигидаги "Теуририйлар Ренессанси — Уйғониш даврида Туронда маданӣ юксалиш ва ҳозирги замон" номли мақола ёритилган.

Уйлаймики, "Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари" журналининг ушбу сони ҳам азиз журналхонларни безътибор қолдирмайди.

Азизбек РАМАЗОНОВ,
Инсон ҳуқуқлари бўйича
Миллий марказ ходими

ТУБАНЛИК ботқоғига ботиб...



ХАЁТДА билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолган, аммо вақтида хатоларини англаб, ножўя ишлардан узоқ бўлишга, бошқа адашмасликка ҳаракат қилганларни кўп кўрамыз. Лекин шундай тоифа инсонлар ҳам борки, улар тубанлик ботқоғига баттар ботиб бораверади.

Алибой олти қарра судланиб, қирқ йиллик умрининг салмоқли қисмини панжара ортида ўтказди.

Афсуски, озодликка чиққач, яна тубанликка ўрганган кўнгил эгриликни кўмсайверди.

...Эзининг тафти босилган палла — пешин. Муқаддас анчадан бери ишлатмаётган дўконини йўқлаб келди. Қарасаки, эшик қулфи бузилган. На кийим-кечаклар, на бошқа жиҳозлардан нишон бор, ичкари "шип-шийдам". Тезда ИИБга тўйлибслари дўконда ўғрилик содир этилгани тўғрисида хабар қилди.

Эски хумори тутган Алибой кеч пайти анчадан бери кўз остига олган газмол дўкон томон йўл олди. Кўча-кўйда бирор қора кўринмайди. Тўрт атрофга аланглаб, дўконнинг эшигига яқин келди.

Зулфга зарб бериб синдирди. Кийим-кечакларни ўғирлаб уйига олиб кетди. Уйига келиб кўрдики, "ови" бароридан келган. Буни улгуржи сотса бировнинг назарига тушиши тайин. Орадан вақт ўтди. Бир куни таниши Нормат билан кўришди. Гапни чўзмади:

— Бир иш бор, — деди шумлик билан — ёрдам берсангиз, пулини арра қиламиз!..

Нормат ҳам нафсига қулоқ тутди. Ақли калталиқ қилиб, Алибойнинг таклифига лаққа тушди. Икковлон "ўлжа"ни майдалаб сотишга келишдилар.

Эртаси куни Нормат "ўлжа"нинг бир қисмини сотмоқ учун ўзига олди. Энди ўғирлик буюмларни сақлашга жой топиш керак. Эски таниши Икромга учрашди:

— Шу буюмларим сеникида турса, ошна!..

Икром бу пайт маст эди. Шу боис, Норматнинг гапига ўйлаб ўтирмай рози бўлди.

— Қани кўч-кўронингни бизнинг уйга элтайлик унда.

Уйига келиб, алламбало юклари билан ҳовлини тўлдирётган Нормат Икромнинг хотинига шубҳали туюлди.

Эрининг маст ҳолатда эканидан фойдаланиб, жиноятга шерик қилишга уриниш бўлаётганини тушунган аёл тезда участка нозирига хабар беради.

...Сал қолса, Алибой билан Норматнинг қилмишига Икром ҳам шерик бўлиб қоларди. Шум ниятли кимсалар қилмишларига яраша жиноий жавобгарликка тортилди. Алибой яна ўзининг "эски ўрнига" кетди. Нормат ҳам ёмонга қўшилиб, пушаймон бўлди. Аммо пушаймонлик билан жазодан қутилиб бўлармиди?!

Баҳодир ҚОРАЕВ,
жиноят ишлари бўйича
Бўстонлик туман суди раиси

МАНСАБ МЎМАЙ ДАРОМАД МАНБАИ ЭМАС



ҲАКИМЖОН Шарифжонов (исм-шарифлари ўзгартирилган) ИИБ Фаргона академик лицейи директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари вазифасини вақтинча бажарувчи этиб тайинланди. Аммо у номига яраша маънавиятли ва маърифатли ўринбосар бўлиб ишломмади. Аниқроғи, нафс гирдобига тушиб, жиноятга қўл урди. Бу борада фуқаро Маҳфуза Эшматова ва Гулмира Суннатиллаевалар билан жиноий тил бириктирди.

Гап шундаки, 2018 йил май ойида академик лицейга ўқишга кириш истагида бўлган ўқувчилардан ҳужжатлар қабул қилина бошланди. Ҳақимжон эса бу вазиятдан "унумли" фойдаланиб қолмоқчи бўлди. Яъни, у фуқаро Икромжон Умрзоқовнинг жияни Жавлон Арзиевни ўқишга киритиб қўйиш эвазига Гулмира орқали 1000 АҚШ доллари, Маҳфузанинг таниши Зариф Комилловни тиббий кўрик босқичдан ўтказиб қўйиш учун 400.000 сўм миқдорда пора талаб қилди. Тиббий, директор ўринбосарининг бу таъмагирлиги И.Умрзоқовни қаттиқ ранжитди. Шу боис, Икромжон ака бу хусусида Фаргона вилоят ички ишлар бошқармасига мурожаат қилиб, Ҳ.Ша-


рифжоновга қонуний чора кўришни сўради. Натижада 2018 йил 24 май куни вилоят ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбир мобайнида Г.Суннатиллаева И.Умрзоқовдан 1000 АҚШ долларини олаётганда ушланди.

Шундан сўнг Гулмиранинг кўрсатмасига асосан тезкор тадбир давом эттирилди, М.Эшматова ҳақиқатан ҳам Ҳақимжон таъмагирлик қилаётганини тасдиқлади. Пировардида, Ҳ.Шарифжонов 2018 йил 25 май куни Гулмира ва Маҳфуза билан учрашиб, 1000 АҚШ доллари ва 400.000 сўмни олаётган пайтда бошқарманинг УХБ ходимлари томонидан қўлга олинди. Бинобарин, порахўр ва унинг ҳамтовоқларига Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши кўзгатилиб, жиноят ишлари бўйича Фаргона шаҳар суди томонидан қилмишларига яраша қонуний жазо тайинланди.

Шукрулло МАДАМИНОВ,
Фаргона вилоят ИИБ ҳузуридаги
тергов бошқармаси терговчи,
Шерзод ХАШИМОВ,
жиноят ишлари бўйича
Фаргона шаҳар суди раиси

АЙНИ оқ-қорани таниган 39 ёшли Асилбек Тўрабеков (исм-шарифлар ўзгартирилган) ички ишлар тизимидаги 22 йиллик меҳнат фаолиятида турли лавозимларда хизмат қилиб, милиция майори унвонига лойиқ топилди. У бугунги кунда давлатимиз томонидан турли иллатлар қатори порахўрликка қарши олиб борилаётган кураш ва бу борадаги амалдаги мавжуд қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини яхши билади. Зотан, олий маълумотли ҳуқуқшунос Асилбек ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида кўп йиллар давомида масъул лавозимларни эгаллаб келган. Тегишли давлат органи мутасадди раҳбарлари 2013 йилнинг сентябрь ойида А.Тўрабековга Зангиота туман ИИБ "Назарбек" кўрғони милиция бўлими бошлиғи, деган ўта масъулиятли лавозимни ишониб топширган эди. Лекин милиция майори шарафли касбни оқлашдан кўра, ўз нафсининг қули бўлишни афзал кўриб, алал-оқибат элу юрт олдида боши эгилди.

"Хўроз" ... дан ҳам ПОРА олди



Гап шундаки, миллий ўйинлар ишқибози Салим Қодиров туман маданият ва спорт ишлари бўлими ва "Зангиота деҳқон бозори" МЧЖ билан тузилган шартномаларга таяниб, "Назарбек" ҚФЙ ҳудудида бир вақтлар ташкил этган "Хўроз уриштириш" қизқувчилар клубини 2016 йилда яна жонлантиради. Қарангки, бу ўйиннинг ишқибозлари талайгина экан. Ҳафтанинг маълум кунлари бўлиб ўтадиган хўрозлар жангига республикамизнинг турли вилоятларидан ташиф буюраётган мухлислар ва томошабинлар сони кундан-кунга ортиб борарди. Улар орасида кимдир томоша қилиш, кимдир дақанг хўрозининг зўрлигини кўрсатиш ва яна кимдир мўмайгина пул ишлаб олиш мақсадида клубга танда қўйишган эди. Клуб мутасаддилари келган одамларнинг ҳар биридан 3 минг сўм, автомашиналар тураргоҳи учун 6 минг сўмдан йиғиб олишарди. "Хўроз уриштириш" клуби фаолиятининг асл моҳияти нима, бу ерга келиб кетаётган

одамлар кимлигини текшириб кўриш милиция бўлими бошлиғининг тушига ҳам кириб чикмас эди-ю... Бир куни унинг қулоғига айрим фуқаролар томонидан хўрозлар жангига қимор, пул тикиш каби ноқонуний ҳолатлар содир бўлаётганлиги ҳақидаги гап-сўзлар чалинади. Бу маълумотдан сўнг Асилбек Тўрабеков 2017 йил 14 январь куни клуб раҳбарига телефон қилиб, тезда этиб келишни буюрди. Аввалгига суҳбатни қонунларни пеш қилиб уни қўрқитишдан бошлади. "Хўроз уриштириш" клуби ноқонуний ташкил этилганлигини, у ерда қимор ўйинлари бўлаётганлиги, бу қонунга зид эканлиги ва ўзини жиноий жавобгарликка тортиши мумкинлигини айтиб, ҳозирроқ клубни батамом ёпиб қўйишни билдирди. С.Қодировнинг юрагига обдон гулгула солгач, кунлик тушумдан ўзига 2 миллион сўм улуш талаб қилди. Халқимизнинг "Айби борнинг оёғи қалтирайдиган" деган мақоли бежиз айтилмаган-да. Мансаб курсисидан ваҳоҳат билан ўтирган бошлиқнинг

сўзлари хўрозлар жангининг ишқибозига таъсир қилмай қўймади. У формадаги таъмагирга айна вақтда ҳар ўйин кунлари учун 2 миллион сўмдан бера олмаслигини, кейинчалик тушум ортаси иложи бўлишини, ҳозирча 1-1,5 миллион сўм бера олишини айтиб, ялиниб ёлворди. Асилбек Тўрабеков гўёки гап ўзининг бели оғриб топаётган пули ҳақида кетаётгандек аранг рози бўлди. Келишувга кўра, шу кундан бошлаб С.Қодировнинг ёрдамчиси Дилшод Орипов милиция майорига жума, яъни дам олиш кунидан ташқари ҳар куни 1,5 миллион сўм олиб келишни қанда қилмади. Уз оёғи билан келаётган мўмай даромаддан таъмагирнинг иштаҳаси тобора ошиб борарди. Энди у С.Қодировдан кунлик тушумдан 2 миллион сўм ва ўтган давр учун яна қўшимча 4 миллион сўм беришни қатъий талаб қила бошлади. Бу талаб таҳдидга айлангангина, "Хўроз уриштириш" клуби раҳбари тегишли идорага мурожаат қилишга мажбур бўлди.

Тошкент вилоят прокуратураси, вилоят МХХ бошқармаси, Бош прокуратура ҳузуридаги Департаментнинг вилоят бошқармаси ходимлари ҳамкорлигида ўтказилган тезкор тадбир натижада ашъвий далиллар билан А.Тўрабековнинг жиноий фаолиятига чек қўйилди. Суд залида собиқ милиция майорининг кўзлари жовдирарган 3 нафар фарзанди ва не-не орзу умидлар билан уни тарбиялаб, ўқитиб, ўғли эгнига форма кийганида қувончи ичига сиғмаган ота-онасининг юзига қараёлмай боши эгилди. Афсус...!

Иқболжон СУЛТОНОВ,
Тошкент вилоят прокуратураси
Уюшган жиноятчилик ва
коррупцияга қарши курашиш
бўлими бошлиғи в.б.,
Фарида ҚОРАҚУЛОВА,
"Инсон ва қонун" муҳбири

2019 йил — “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”

“ОҚТОШДОН” ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР САМАРА БЕРМОҚДА



ШУ ТУФАЙЛИ МАҲСУЛОТ СИФАТИ ҲАМ, ҲАЖМИ ҲАМ ОРТМОҚДА

ЯҚИНДА хизмат сафари билан узоқ туманларнинг бирига боришга тўғри келди. Автобусга ўтирдим. Ўзи яхши кўраман, кўпчилик билан йўл юришни. Ҳар хил одамлар, турли хил мавзудаги суҳбатлар кишини толиқтирмайди.

— Беш сўм қиммат бўлса ҳам қозоқнинг унни олиб, рўзгорга ишлатаман. Ранги оппоқ, ҳар хил ширинликлар ҳам яхши чиқади. Ўзимизнинг Оқтош уни дидни олмайдими, — деди орқа ўриндиқда ўтирган ёши элликларга кирган жувон.

— Ҳай-ҳай ундай, деманг ўргилай, Оқтошнинг бугун чиқараётган уни қозоқникидан пеш, сифати ҳам, мазаси ҳам қолишмайди, — дейди бошқа бир онахон.

— Нархи ҳам анча арзон. Ўзимизнинг ердан чиққан бугдой-да. Мағзи тўқ, шираси яхши. Билмадим яқинда хўжайиним Оқтош унни олиб келган экан. Хамироши ҳам, ҳар хил пишириқлари ҳам, нони ҳам оппоқ чиқади. Ҳайронман сақич четники, деса айримлар боғини сўрамай ўзини уради...

Хизмат сафаридан қайтаётиб уйга автобусдаги опахоннинг гапини синаш учун Оқтош унidan харид қилиб келдим. Келиннинг нон қилди. Хамир овқат тайёрлади. Сифати ҳам, таъмига ҳам гап йўқ экан...

— Тўғри тан олиш керак, илгари бизнинг унимизни сифати айтарли даражада эмас эди, — дейди “Оқтошдон” ак-

циядорлик жамияти бошқаруви раиси Тўракул Худойбердиев. Чунки бундан йигирма-ўттиз йил олдин қурилган тегирмонлар бугдойни яхши эза олмасди. Шу туфайли ҳақиқатдан уннинг ранги хира, сифати кўпчилики қондирмасди. Бугун замон ўзгарди. Юртимизда барча соҳаларда туб бурилиш ясалди. Масалан, комбинатимизнинг Каттақўрғон филиалида бундан қирқ йил олдинги тегирмон ишлатиларди. Тўғрида, ўтган қирқ йил давомида тегирмон тўлиқ ишдан чиқиб, ундан сифатли маҳсулот олиш амри маҳол эди. Яқинда ушбу Каттақўрғон филиалига Туркиядан янги замонавий услубда суткасига 150 тонна ун ишлаб чиқарадиган тегирмон ўрнатилиб, ишга туширилди. Шунингдек, соатиға 5 тонна моллар учун сифатли озуқа ишлаб чиқарадиган мослама ҳам қурилиб, у ҳам тўла қувват билан ишлатилмоқда.

Бугунги миқоз кечаги авом миқоз эмас. У сифатли ва мазали маҳсулотни харид қилади. Чунки рақобат кундан-кунга кучли бўлиб бормоқда. Бироқ ишлаб чиқариш қувватини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш учун янги инновацион технологияларни жорий этиб, дунё бозорига муносиб ўрин эгаллаш керак. Яна бир гап. Бугун комбинатда бундан икки йил олдин Украинанинг Могилёв Подольский шаҳридан олиб келиб ўрнатилган янги, замонавий тегирмон тўла қувват билан ишлатилиб сифатли ва мазали ун чиқарилмоқда. Муҳими, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ошди, сифати аъло бўлгани учун харидорлар сони ҳам ортмоқда. Шунингдек, инновацион керакки, бизнинг комбинатимизда ишлаб чиқарилган озуқа бойлиги Афғонистон, Тожикистон, Туркменистон ва шунга ўхшаш бир қатор мамлакатларга экспорт қилинмоқда. Шунингдек, инновацион технологияларни ишлаб чиқаришга дадил жорий этиш катта самара бермоқда. Масалан, ўтган 2017 йил комбинатда 49 минг 431 тонна ун ишлаб чиқарилган бўлса, 2018 йилда 52 минг 490 тонна ун ишлаб чиқарилди.

— Очиги, янги технологияни ишлаб чиқаришга дадил жорий этмай бекор чўчиб юрган эканмиз, — дейди комбинат муҳандис-технологи Зафар Умаров. — Тўғриси, бошида қийин бўлди, янги

усқунанинг тилини тушунмай роса таъзиримизни едик. Изланса, ўқиб ўрганса, интилса бўлар экан. Сабр-бардош, кунт билан ишлаб ютдик. Биринчидан, қўл меҳнатидан батамом қутилиб барча иш жараёнлари автоматлаштирилди. Янги ўрнатилган тегирмон компьютер орқали бошқарилди. Бу жараёнда ишчи кучи икки баравар қисқарди. Масалан, илгари бир тонна бугдойни қайта ишлаш учун ўн киши банд бўлган бўлса, янги тегирмонда бир тонна бугдойни қайта ишлаш учун икки киши иштирок этаяпти холос. Эндиликда янги тегирмонда бугдой ҳаво билан сифатли тозаланмоқда. Бугдой ҳаво орқали тозаланганда уннинг пўстлоғи ҳам яхши тозаланади. Шу туфайли ишлаб чиқариладиган унимизнинг сифати аъло.

— Энди эски қолипда ишлаб бўлмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда, — дейди комбинат бош механиги Рўзимурод Авазов. — Очиги, илгарилари комбинатда тегирмон ишдан чиқса, унга эҳтиёт қисм топгунча она сутимиз озғимиздан келарди. Юртбошимизга минг раҳмат. Ишлаб чиқаришга инновацион технологиялар олиб кириш учун йўл очиб бериб, чет эллардан янги замонавий усқуналар олиб келиб ишлаб чиқаришга жорий этмоқдамиз. Масалан, комбинатнинг Каттақўрғон филиалида ўрнатилган янги тегирмоннинг ишлаб чиқариш ҳажми юқори бўлиши билан бирга жуда тежамкор. Масалан, илгари Каттақўрғон филиалида бир тонна бугдойни ишлаб чиқариш учун 85,3 киловатт энергия сарф қилинарди. Ҳозир янги тегирмонда бир тонна бугдойни қайта ишлаш учун 55,3 киловатт энергия сарф қилинмоқда. Буни пулга қақадиган бўлсақ фақат энергиянинг ўзидан бир ойда 5 миллион 700 минг сўм тежалаяпти. Мана шунинг ўзи исбот эмасми, янги технологияларнинг ҳар томонлама қулайлигига?

— Бир ойда комбинатдан 300 тонна ун оламан, — дейди “Зарминат” МЧЖ раҳбари Баҳодир Ражабов. Ана шу олинган унларни 15 та дўкон орқали аҳолига тарқатамиз. Бундан ташқари, нон цехлари ҳам мавжуд. Очиги, биз дашт одамлари дангал гапларни хуш кўраемиз. Оқтошдан чиқадиган ҳозирги уннинг сифати нафақат қозоқчиқидан, балки қўшни вилоят ва бошқа давлатларникидан пеш. Буни

битта инкор қилиб бўлмайдиган исботи бор. Қишлоқ жойларда ҳар бир хонадонда кунора нон ёпилади. Оқтош унidan ёпилган нон тўйимли, мазали, энг муҳими, қозоқнинг уни сингари тандирда о-би-тобида пишмайди. Чунки бугдойнинг мағзи юпқа. Ҳаддан ташқари уннинг рангини оқартираман, деб бугдойнинг ширасини қайта ишлашда шилиб олинган.

— Бугун бошқа қўшни республикалардан ташқари вилоятимизнинг Нарпай, Каттақўрғон шаҳри ва Каттақўрғон тумани, Иштихон, Пастдарғом, Пахтачи, Пайариқ ҳамда Самарқанд шаҳри аҳолисига ун етказиб берамиз, — дейди комбинат бош ҳисобчиси Улуғбек Ортиқов. — Комбинатда тўлиқ янги усқуналар ўрнатилди. Ишчи хизматчиларнинг манфаатдорлиги ошганиги туфайли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми кескин ошди. Масалан, илгари бир суткада аранг 100 тонна ун ишлаб чиқарилган бўлса, бугун бир суткада 150-180 тонна ун ишлаб чиқарилмоқда. Бугун миқозларнинг талабига қараб 25 ҳамда 50 килограммлик қоғларда ун чиқарилмоқда. Эришилаётган бу муваффақиятларда шубҳасиз ишчи-хизматчиларнинг ҳиссаси беқиёс. Шунинг ҳисобига олиб комбинат ҳар бир ишчисининг ўртача ойлик маоши 1 миллион сўм ва ундан ортиқ қилиб белгиланган.

Комбинатда ишлаётганлар учун тушлик ва кечки наватда овқат ҳам бепул. Иккита автобус ишчиларни ишга олиб келиб, ишдан бепул олиб кетади. Меҳнат таътилига чиқадиган ишчи-хизматчиға 2 ойлик миқдорда ёрдам пули берилади. Тўй ва маъракалари ўтказиш учун комбинат томонидан унинг ҳар бир аъзосига 3 миллион сўмдан кўмак учун пул берилади. Манфаатдорлик иш унуми ва сифатига ижобий таъсир этмоқда...

Ҳа, бугун, “Оқтошдон” акциядорлик жамияти ишчи-хизматчилари белни маҳкам боғлаб мамлакатимиз аҳолиси дастурхонига сифатли ва хуштаъм, улуғ ва мўътабар неъмат нон етиштириб бермоқда. Халқимиз дастурхони тўқинлиги учун хизмат қилаётган ушбу жамоа аъзоларининг ишларига омад тилаймиз.

Азим ҚОДИРОВ,
“Инсон ва қонун” мухбири

хизматлар лицензияланган.

ИПХ ходими ва ҳайдовчи! ХУҚУҚЛАРИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?



2018 йил 1 декабрда Ҳукуматнинг “Йўл-патруль хизмати ходимларининг йўл ҳаракати қатнашчилари билан ўзаро муносабатлари ҳамда махсус мосламалардан фойдаланиши тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори қабул қилинган эди.

Қарор билан Йўл-патруль хизмати ходимларининг йўл ҳаракати қатнашчилари билан ўзаро муносабатлари ҳамда махсус мосламалардан фойдаланиши тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Низомга мувофиқ йўл-патруль хизмати (ИПХ) ходими томонидан транспорт воситалари куйидаги асосларга кўра тўхтатилиши мумкин:

- йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиши визуал кузатувда аниқланганда ёки махсус мосламада қайд қилинганда;
- транспорт воситаси, ҳайдовчи ёки йўловчи қидирувда эканлиги, йўл-транспорт ҳодисасига алоқадор эканлиги ҳақида маълумотлар бўлганда;
- йўл-транспорт ҳодисаси, ҳуқуқбузарлик содир этилганлигини кўрган ҳайдовчи ёки йўловчидан ҳодисага ойдинлик киритишга тўғри келганда;

- ҳаракатни чеклаш ёки тақиқлаш бўйича кўрсатмаларни бажаришда;
- транспортдан мажбурий тартибда фойдаланишга тўғри келганда;
- махсус тadbирларни ўтказиш жараёнида;
- транспортдан фойдаланиш ва бошқариш ҳуқуқини берувчи, транспорт ва юкларга оид ҳужжатлар мавжудлигини текшириш учун;
- бошқа асосларга кўра транспортнинг тўхтатилиши тақиқланганда.

Транспорт ҳужжатларини текшириш учун тўхтатилганда, фақат ушбу ҳужжатларни текширишда аниқланган қоидалар бузилиши бўйича чора кўрилади.

Транспорт тўхтатилганда ҳайдовчи ИПХ ходими тўхтатилган ҳудудда дислокацияга асосан хизмат ўтаётганлигини тасдиқловчи дислокациянинг кўчирмаси билан танишиши мумкин.

ИПХ ходими транспортни ва юкларни кўздан кечириш, транспортни таъйиб қилиш ёки кузатиш ҳуқуқига эга. Бунда йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳаёти ва соғлиги учун хавфли ҳаракатлар содир этилмаслиги лозим.

ИПХ ходими куйидаги ҳоллардагина ҳай-

довчи ва йўловчилардан транспорт кабинасидан чиқишини талаб қилиши мумкин:

- транспортдаги техник носозлик ва юк ташини қоидага бузилганлигини бартараф этиш учун;
- ҳайдовчи транспортни маст ҳолда бошқараётганда;
- транспортнинг двигатель ва агрегат қисмлари рақамлари билан ёзилган рақамлар ўртасида фарқ аниқланганда;
- транспорт ёки юк ҳужжатлари мавжудлигини текшириш зарурати юзага келганда;
- ҳайдовчи ёки йўловчи жиноят содир этишда гумон қилинаётганда;
- ҳайдовчининг кабинада бўлиши йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга таҳдид солиши мумкин бўлганда.

ИПХ ходими хизмат вазифасини амалга оширишда куйидагиларга мажбур:

- вазифаларини мобил видеокамерадан фойдаланиб олиб бориш ва бу ҳақида йўл ҳаракати қатнашчиларига маълум қилиш (2019 йил 1 июлдан);
- йўл ҳаракати қатнашчиси тўхтатилганда унинг олдига бориш, ўзини таништириш, ла-

возими, унвони, фамилияси ҳақида маълумот бериш ҳамда уларга “Сиз”, деб muroжаат қилиш;

– тиббий ёрдамга муҳтожларни белгиланган жойга олиб боришда фуқароларга ёрдам кўрсатиш;

– ҳайдовчининг тезлигини оширгани ҳақидаги махсус мосламанинг кўрсаткичлари билан таништириш, талабига кўра мосламанинг қиёслаш сертификатини кўрсатиш.

Йўл ҳаракати қатнашчилари ҳужжатни мобил видеокамерасиз олиб бораётган ИПХ ходимига ҳужжатларни тақдим этмаслик (2019 йил 1 июлдан), асоссиз тўхтатиб турилмаслигини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

ИПХ ходими қайдани бузган йўл ҳаракати қатнашчисига нисбатан шахсий адоват туфайли шахснинг аҳолини оғирлаштиришга ҳаракат қилиши мумкин эмас.

Пиёдалар ва йўл ҳаракати бошқа иштирокчиларининг йўл ҳаракати қоидаларини бузганлигига эътироз билдирмаган, жарима миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг иккидан бир қисмидан ошмаган, жарима ўша жойнинг ўзидан тўланган ҳолларда маъмурий баённома тузилмайди.

Тезликини ўлчаш мосламасини ўрнатишда унга юқори тезлик чекланган кўрсаткичга кўшимча беш километр фарқи билан маълумот киритилади.

ИПХ ходими ўз хизмат вазифаларини белгиланган эпикровкада ошқора усулда амалга оширади ҳамда хизматни яширин олиб бориш тақиқланади.

ИПХ ходими томонидан ўзининг дислокациясидан ташқарида расмийлаштирилган баённомалар юридик кучга эга бўлмайди.

Нафиса ХАЙДАРОВА,
Самарқанд шаҳар адлия бўлими катта маслаҳатчиси

РЕКЛАМА

Хурматли юртдошлар!

“АСАКА” БАНК

куйидаги миллий ва хорижий валютадаги янги узок муддатли омонат турларини таклиф этади:

“МАНФААТЛИ”

Омонат муддати **18 ойгача.**

Омонатга фоизлар куйидагича ҳисобланади:

- 12 ой сақланса — **16 фоиз** (йиллик);
- 13 ой сақланса — **17 фоиз** (йиллик);
- 18 ой сақланса — **18 фоиз** (йиллик).

“ИНВЕСТИЦИЯ”

(АҚШ доллариде)

Омонат муддати **25 ойгача.**

Омонат фоизи **5 фоиз** (йиллик).

Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

Ҳисобланган фоизларни, омонатчининг истагига кўра, ҳақиқатда сақланган муддат учун олиш мумкин.

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси томонидан кафолатланади.

СИЗНИНГ ОМОНАТЛАРИНГИЗ:

- декларация қилинмайди;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эғалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган.

www.asakabank.uz

Хизматлар лицензияланган.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:
78-120-82-37, 78-120-82-65, 78-120-82-98.

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	78	120-83-13
Автотранспорт филиали	78	120-39-95
Шайхонтохур филиали	78	140-39-36
Юнусобод филиали	78	150-93-86
Сирғали филиали	71	257-44-10
Тошкент вилоят филиали	78	120-84-13
Андижон вилоят филиали	74	223-60-74
Асака филиали	74	233-21-99
Фарҳод филиали	74	226-96-63
Фарғона вилоят филиали	73	244-39-14
Марғилон филиали	73	237-62-23
Оптиариқ филиали	73	432-19-80
Қўқон филиали	73	542-61-01
Наманган вилоят филиали	69	227-15-68
Навоний вилоят филиали	436	770-21-29
Зарафшон филиали	436	572-40-14
Бухоро вилоят филиали	65	770-05-19
Бухоро шаҳар филиали	65	770-11-27
Самарқанд вилоят филиали	66	233-65-47
Афросиёб филиали	66	221-71-76
Қашқадарё вилоят филиали	75	221-07-41
Сурхондарё вилоят филиали	76	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	61	770-50-59
Хоразм вилоят филиали	62	228-14-81
Сирдарё вилоят филиали	67	225-44-03
Жиззах вилоят филиали	72	226-43-11

“АСАКА” БАНК — сармоянгишни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

ИНСОН ҚОНУН

МУАССИСА:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

www.minjust.uz

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Тошқулов Ақбар Жўрабоевич
Рабиёв Шерзод Миржалипович
Тожиёв Фурақ Шомуродович
Искандаров Ербек Нурбекович
Эргашева Дилфуза Рустамовна
Мамадалиева Зайниддин Очилович

Навбатчи
Гулсум Шодиева

Саҳифаловчи-дизайнер
Жасур Тожибоев

Нашр индекси: 137

“ИНСОН ВА ҚОНУН” газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимида, 2 босма табақ ҳажмида, офсет усулида “Ўзбекистон” нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоний кўчаси, 30-уй.

Ушбу сонда ўза суратларидан фойдаланилди.

МАНЗИЛИМИЗ:

100 000, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-35.

Факс: (0371) 233-44-23, (0371) 233-44-08

Обуна бўлими: 233-44-09

Баҳоси вапишланган нарҳда

1 2 3 4 5